



Иш вазифаси

// *должностные обязанности*

ГУРУХ ВА КОТИБИЯТЛАР РАХБАРЛАРИ

www.andijan.uz

Андижон вилояти ҳокимлиги

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ОИЛА, ОНАЛИК ВА БОЛАЛИКНИ ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ КОТИБИЯТИ ТЎҒРИСИДА Н И З О М

I. Умумий қоидалар

Вилоят ҳокимлигининг Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш котибияти вилоят ҳокимлигининг таркибий бўлинмаси ҳисобланиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 январдаги 2-сон “Давлат бошқаруви ҳудудий органлари тузилмаларини такомиллаштириш тўғрисида”ги ҳамда вилоят ҳокимининг 2004 йил 6 январдаги 2-сон қарорларига мувофиқ ташкил этилган.

Котибият Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонунига мувофиқ фаолият юритади, вилоят ҳокимининг оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш масалалари бўйича ўринбосарига бўйсунди.

Котибият ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва фармойишларига, Олий Мажлиснинг, Вазирлар Маҳкамасининг, Халқ депутатлари вилоят кенгаши қарорлари, вилоят ҳокимининг қарори ва фармойишлари, мажмуасига тегишли ратификация қилинган халқаро ҳужжатлар қарорлари ва Фармойишлари, давлат дастурлари ва бошқа норматив ҳужжатларга ва мазкур Низом асосида амалга оширади.

II. Котибиятнинг асосий вазифалари

Андижон вилояти ҳокимлиги оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш котибияти амалдаги қонун, қарор ва фармойишларга асосланган ҳолда куйидаги вазифаларни бажаради:

- вилоят ҳудудларида ўтказилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш юзасидан ишлаб чиқилган дастурларнинг амалда бажарилишини таъминлаш;
 - ҳокимият муҳокамасига киритилаётган ҳужжатлар лойиҳаларининг ҳоким ва унинг ўринбосари кўриб чиқиши учун мутахассислар томонидан ишлаб чиқишини ташкил қилиш;
 - ҳоким ва унинг ўринбосарлари топшириғига биноан ҳокимликнинг қарор лойиҳалари ва бошқа тегишли ҳужжатлар тайёрлаш;
 - юқори ташкилотлар ҳамда ҳокимият қарори ва фармойишларининг маҳаллий бошқарув органлари ва идоралари томонидан шў вақтида бажарилишини таъминлаш;
 - котибият ваколатига таалукли масалалар бўйича таҳлилий ҳужжатларни тайёрлаш ва ҳокимликка тушган ахборот, таклиф ва мулоҳазаларни умумлаштириш;
 - оила, оналик ва болаликни ижтимоий ҳимоя қилишга доир фаолиятини кучайтириш учун вилоят бошқармаларини жалб этиш, улар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш;
 - ҳукумат комиссияларининг самарали ишлашини таъминлаш, улар томонидан қабул қилинган қарорларни бажарилишини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш;
- Куйидагилар котибият ишларининг асосий йўналишлари ҳисобланади:

Оилани ижтимоий муҳофаза қилиш соҳасида:

- оилавий муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, оила манфаатларининг ҳуқуқий муҳофаза қилишини таъминлаш;
- оилада маънавий ва ахлоқий қадриятларни такомиллаштириш, оилага таалуқли бош миллий анъаналар ва қадриятларни тарғиб қилиш;
- ёшларни оилавий турмушга тайёрлаш, ёш оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш;
- оила аъзоларининг ҳуқуқий маданиятини ошириш.

Оналикни ижтимоий муҳофаза қилиш соҳасида:

- аёллар манфаатларини муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш;
- оналикни ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича қабул қилинган халқаро, давлат меъёрий ҳужжатлари, бошқа қонунчилик ҳамда ҳуқуқий нормаларнинг амалиётга тадбиқ этилиши юзасидан мониторинг ўтказиш;
- вилоятда тиббий-ижтимоий патронаж тизимини такомиллаштириш. Оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, оналар ва болалар ўлимининг, ногиронлигининг келиб чиқиш сабабларини ўрганиш ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан тиббий муассасалар ва жамоат ташкилотлари ишини мувофиқлаштириб бориш;
- иқтисодий ислохотларни амалга оширишда, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда аёлларнинг фаол иштирокини таъминлаш. Хотин-қизлар учун иш ўринлари яратиш, уларни касб-ҳунарга ўргатиш ишларини ташкил қилиш;
- аёлларнинг, айниқса қишлоқ жойдаги аёлларнинг турмуш шароитларини яхшилаш, уларни меҳнатини енгиллаштириш;
- аёлларни иқтисодий-касбий маҳоратларини ошириш, меҳнат ва дам олдириш шароитларини яхшилаш;
- аёллар маънавиятини юксалтириш, хотин-қизлар ўртасида жиноятчиликнинг, ўз жонига қасд қилиш ҳолларининг олдини олиш борасида мутасадди ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириб бориш;

Болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш соҳасида:

- болаларнинг ҳуқуқий муҳофазасини таъминлаш, ёшлар ўртасида ҳуқуқий маданиятни ошириш;
- болалар ва ўсмирлар жиноятчилигини олдини олиш, мактабдан ташқари турли йўналишдаги тарбиявий ишларни ташкил қилиш борасида барча давлат ва жамоат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириб бориш;
- ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш ишларини ташкил этиш;
- ёшлар учун маслаҳат марказлари фаолиятини ривожлантириш;
- гўдакларни парвариш қилиш бўйича оналар мактабларини ташкил этиш.

Котибият ўз тасарруфидаги масалаларга оид Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси, вилоят ҳокимининг қарорлари, фармойишлари ва давлат дастурларининг жойларда бажарилишини ташкил этади, натижасини таҳлил қилади ҳамда улар юзасидан амалий тавсиялар беради.

Ушбу масалалар юзасидан раҳбариятга таклифлар киритади, қарорлар, фармойишлар лойиҳаларини тайёрлайди ва ишлаб чиқади.

III. Котибиятнинг ташкилий тузилмаси ва ишнинг ташкил этилиши

- Котибият мудир, етакчи мутахассис.

Котибият комплекс тасарруфидаги масалалар бўйича ҳоким ўринбосарига, ижро интизомини мустаҳкамлаш масалалари бўйича эса ҳқоми маҳкамаси аппарати раҳбариятига бўйсунди.

Котибият ўз фаолиятини Андижон вилояти ҳокими Маҳкамаси раҳбарияти билан келишилган ва ҳоким ўринбосари томонидан тасдиқланган йиллик ва чораклик иш режалари асосида амалга оширади.

IV. Котибиятнинг ходимларининг вазифалари

Котибият мудир

Котибиятнинг умумий раҳбарлик қилади, котибият ваколатига кирадиган вазифаларни ҳар хил этиш чора-тадбирларни белгилайди.

Котибиятга келган ҳўжжатларни қарор ва фармоишларда кўрсатилган муддатларда кўриб чиқишини таъминлайди ҳамда уларнинг бажарилишини назорат қилади.

Ижро интизомининг зарур даражада бўлишини таъминлайди.

Етакчи мутахассисга керакли аниқ топшириқларни беради ва уларнинг бажарилишини назоратга олади, вилоят фаоллар йиғилишлари, сессиялари иш режаси лойихасини таёрлашга ўтказилишида амалий ёрдам кўрсатади. Вилоят ҳокимининг қарор ва фармоишларни котибият масалалари бўйича таёрлашда шахсан бошчилик қилади.

Ўз ваколати доирасида кирадиган масалалар бўйича вилоят ҳокимлиги раҳбариятига котибиятининг фаолияти ҳамда шаҳар ва туман ҳокимликларининг оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш масалалари бўйича ўринбосари олиб бораётган ишлари тўғрисида маълумот беради.

Котибиятга тегишли ташкилот раҳбарларини танлаш, лавозимга тавсия этиш ва зарур бўлганда алмаштириш масалаларини ҳамда уларни рағбатлантиришни кўриб чиқади ва вилоят ҳокими ўринбосарига таклифлар тайёрлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони, Вазирлар Маҳкамасининг оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш котибияти раҳбарлари ва мутахассислари билан ҳақорликда иш олиб боради.

Оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш котибияти мажмуасига кирадиган ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради, фаолиятини таҳлил қилади ва уларнинг муаммоларни ечишга иштирок этади, фикр-мулоҳаза юритиб вилоят ҳокимга, вилоят ҳокимининг ўринбосарига таклифлар таёрлайди.

Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш котибияти мудир